



## ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ (ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ)НИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

**Ҳожиев Носиржон Комилович,**

Тошкент давлат юридик университети  
жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши  
курашибиаш кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [n.hoziyev@tsul.uz](mailto:n.hoziyev@tsul.uz)

**Аннотация:** Ушбу мақолада далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш)нинг субъектив белгилари муҳокама қилинади. Исботлашни амалга оширувчи субъектлар суриштирувчи терговчи, прокурор ва суд ҳакида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамият айловчиси, шунингдек жабрланувчи фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари исботлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга шахсларнинг ҳам жавобгарлик масаласи ёритилган. Хорижий давлатларнинг далилларни қасдан сохталаштириш (қалбакилаштириш) учун жиноий Хорижий давлатлар жиноят қонунида нафақат жиноят ишлари материалларини сохталаштиришни балки фуқаролик, иқтисодий ва маъмурый иши материалларини бўйича далиларни тўплаш, текшириш баҳолаш чоғида ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлғон маълумотларни киритиш ва бузиб кўрсатишда ифодаланган сохталаштириш учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланганлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** жиноий жавобгарлик, суриштирувчи терговчи, прокурор, суд, судья ёрдамчисми, суд мажлиси котиби, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурый иши материалларини бўйича далиларни сохталаштириш, далилларни йўқ қилиш, , гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамият айловчиси, шунингдек жабрланувчи фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари далилларга зарар етказиш, сохта далилларни тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) номланиб, мазмунан барча процессуал хуқуқ соҳаларида далилларни қалбакилаштиришни англатсада, модда диспозициясида фақат жиноят ишига оид далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятининг субъектлари маҳсус субъект ҳисобланиб, уларни жавобгар қилиш учун субъектнинг умумий аломатлари (ёши, ақли расолиги) дан ташқари маҳсус аломатларга эга бўлиши талаб этилади.

Исботлашни суриштирувчи терговчи, прокурор ва суд амалга оширади. Шунингдек, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамият айловчиси, шунингдек жабрланувчи фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари исботлашда иштирок этиш хуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 86-моддасига биноан, гувоҳлар, эксперtlар, мутахассислар таржимонлар, холислар, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлик хуқуқларни амалга оширувчи ва мажбуриятларни бажарувчи бошқа фукаролар ва мансабдор шахслар исботлашда иштирок этишга жалб қилинади.

Мазкур жиноятнинг субъекти М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, ЖК 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти суриштирувни амалга оширувчи ёки исботлашга жалб қилинган шахслар бўлишлари мумкин [1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 86-моддасига биноан, Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.

Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий

даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш хуқуқига эгадирлар.

Далилларни сохталашибтириш (қалбакилашибтириш) жиноятининг субъекти суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳисобланишади.

Жиноят ишлари бўйича суриштирувни, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан амалга оширилади. Суриштирувчининг ваколатлари ЖПКнинг 38<sup>1</sup>-моддасида белгилаб ўтилган.

Прокуратура, ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлик хизматининг терговчилари жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боради. Терговчининг ваколатларига тергов ҳаракатларини олиб бориш орқали далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш киради.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди ҳукмига кўра, Косон тумани ички ишлар бўлими терговчиси Н. содир этилган жиноятни исботлашни амалга ошириши лозим бўлган шахс бўлгани ҳолда, 2021 йил 21 феврал куни соат 16 ларда Косон тумани Пулати шаҳарчаси “Бунёдкор-2” кўчаси 172-йда яшовчи Ш.нинг ўткир тиғли предмет та'сирида жароҳат олганлиги ҳақидаги хабарга асосан ҳодиса жойига чиқиб, ҳодиса содир бўлган жой - Ш.Муминованинг яшаш уйини қўздан кечиришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 73-моддаси талабларини қўпол тарзда бузиб, икки

нафар холис иштирокини амалда таъминламасдан бир нафар холис иштирокида сифатсиз кўздан кечириб, баённома расмийлаштириб, аслида кўздан кечиришда иштирок этмаган Ф.ни фамилиясини баённомага киритиб, унинг имзосини сохталаштириб қўйиб, далилларни тўплаш чоғида ғаразли ва бошқа паст ниятларда расмий ҳужжат ҳисобланган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига била туриб, ёлғон маълумотлар киритиб, далилларни қасддан сохталаштирган.

Н.нинг содир этган жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, суд томонидан унинг ҳаракатлари ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган [2].

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ЖПКнинг 243, 382 — 388, 558, 589-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Судья жиноят-процессуал қонунчилигига асосан, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш вакоатига эга. Судья суд жараёнида иштирок этади, шунингдек, жиноят иши бўйича у ёки бу далилларни текширади, тўлик баҳолайди, шу сабабли мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланади.

ЖК 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти белгиларига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Сохталаштиришнинг мақсадига қараб, ЖКнинг 228-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

Агар биз Россия ва Белоруссия жиноят кодекслари билан таққосласак, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 303-моддаси ва Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 395-моддасида судяни жиноят ишида далилларни сохталаштириш субъекти сифатида тан олинганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, Молдова [3]. Грузия [4], Тожикистон[5], Озарбайжон [6] ва Қозоғистон Жиноят кодексига биноан далилларни сохталашибириш субъектлари бевосита ишда иштирок этувчи шахслардир.

Шуни таъкидлаш керакки, Хитой Ҳалқ Республикаси Жиноят кодексининг 306-моддасига биноан адвокатлар далилларни сохталашибириш жиноятининг субъекти хисобланади. ЖПКнинг 86-моддасига қўра, исбот қилиш иштирокчилари сифати далилларни тўплаш ваколати мавжуд. Шунингдек, ҳимоячи ЖПКнинг 87-моддасига жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим.

Ҳимоячи далилларни ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

М.Ҳ.Рустамбаев томонидан ЖК 230<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган суриштирувни амалга оширувчи ёки исботлашга жалб қилинган шахслар қаторида ҳимоячи ҳам жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин[1].

Бизнинг фикримизча, ҳимоячи далилларни сохталашибириш (қалбакилашибириш)нинг маҳсус субъекти белгиларига тўлиқ эга бўлмаса ҳам, амалдаги ЖК 230<sup>1</sup>-моддаси квалификация қилиниши лозим.

М.Ҳ.Рустамбаев томонидан мазкур жиноятнинг субъекти доирасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суд мажлиси котиби ёки судя ёрдамчиси ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси субъекти доирасига киритилмаган. Шу сабабли суд мажлиси котиби ёки судя ёрдамчиси,

терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг далилларни сохталашибиришда ифодаланган қилмишини квалификация қилиш масаласи очиқ қолган.

Суд мажлиси котиби ёки судя ёрдамчиси ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси субъекти доирасига киритиш масаласи баҳсли ҳисобланади. Айрим хорижий давлатлар жумладан, Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 305-моддасида суд мажлиси баённомасини қасддан нотўғри қайд этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутилган.

Жиноят процессида суд баённомаси муҳим рол ўйнайди. Маълумки, суд ўз қарорини фақат суд мажлисида текширилган далиллар асосида асослаши мумкин. Шу сабабли суд мажлиси баённомаси ҳам судлар учун далил ҳисобланади .

Суд мажлиси баённомаси ҳам судлар учун далил ҳисобланади.

Суд мажлиси баённомасида бўлиб ўтган иш юзасидан суднинг ҳаракатлари ва қарорлари, шунингдек иштирокчиларининг ҳаракатлари мавжуд. Суд мажлиси баённомаси – асосий процессуал ҳужжат ҳисобланиб, унда жиноят процесси иштирокчиларининг барча ҳаракатлари қайд этилади. Суд мажлиси баённомасининг нотўғри тузилиши, сохта ёзувлар маълмутлар киритилиши жiddий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Суд мажлисининг баённомаси иш юритишдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири эканлигини ҳисобга олсак, Суд котиби мажлис баённомасини юритишга ваколатли шахс ҳисобланади

Бир қарашда расмий мансаб ваколатига эга бўлмаган котиб оддий техник мутахассис сифатида кўриниши мумкин, лекин унинг функцияларига эътибор берсак, бошқача тасаввур пайди бўлади.

ЖПК нинг 426-моддасига биноан суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу жиноят-процессуал қоидалар асосида баённома юритади. Баённома қўлда ёки компьютерда ёзилиши мумкин. Баённоманинг

тўлиқ бўлишини таъминлаш учун аудиоёзув воситаларидан, стенограмма юритишдан фойдаланиш мумкин.

Суд мажлисининг баённомасида қуидагилар кўрсатилади: суд ишининг рақами; мажлиснинг жойи ва санаси, мажлис бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, химоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд чақирган бошқа шахслар; кўрилаётган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари. Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимосномалари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмuni; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг кетма-кетлиги, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хulosалари ҳамда судланувчи охирги сўзининг мазмuni; башарти жиноят процесси иштирокчилари илтимос қилса, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги арзлар акс эттирилади.

Суд мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

Суд мажлиси баённомасининг мазмuni бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда, котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Ушбу масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Бизнинг фикримизча ҳам аслида суд мажлиси баённомасига маълумотлар ва нарсаларни қасдан нотўғри киритиш далилларни сохталаштириш ҳисобланади.

Суд котиби ёки судья ёрдамчиси томонидан суд баённомасига била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритишда ифодаланган ҳаракатлар амалдаги ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси билан қамраб олинмаган.

Суд котиби ёки судья ёрдамчисида мансаб ваколатлари бўлмаганлиги сабабли уларнинг қилмиши ЖКнинг 209-моддаси билан малакалаш мумкин эмас.

Суд котиби ёки судья ёрдамчиси томонидан суд мажлиси баённомасига била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритишда ифодаланган ҳаракатлари одил судловга қарши қаратилган қилмиш ҳисобланиб, ЖКнинг 228-моддаси билан ҳам малакалаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддасисида суд мажлиси котиби ва судя ёрдамчисига тааллуқли емас, бу бизнинг нуқтаи назар, бўйича амалдаги Ўзбекистон жиноят қонунчилигидаги бўшлиқ бўлиб, уни тўлдириш лозим. Суд котиби ёки судья ёрдамчиси Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси субъектлар доирасига киритилиши лозим.

Жиноят процессуал қонунчилигига қўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар терговга қадар текширувни олиб бориш, жиноят ишини қўзгатиш ёки иш қўзгатишни рад этиш ваколатига эга.

Шунингдек, ЖПКнинг 39<sup>2</sup>-моддасига асосан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга оширишдан ташқари, далилларни тўплаш ва сақлаш ваколати берилган.

Ш. терговга қадар текшириш органи мансабдор шахси бўла туриб, қўл остидаги жиноят қидириув гуруҳи тезкор вакиллари билан олдиндан жиноий

тил бириктириб қонунга хилоф равища қонуний асосга эга бўлмаса-да, хизмат ҳудудида содир бўлган ўғирлик жиноятини гўёки фош этилганлигини тасдиқловчи сохталашибирлган далилларни тўплаб дастлабки терговга тақдим этишган ва X.га нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан жиноят иши қўзғатилишига эришган. Суд Ш.ва унинг жиноий шерикларининг ушбу ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортган [8].

Суд бунда терговга қадар текширув органи ходимларининг жиноий қилмишини тўғри малакалаган.

Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг далилларни сохталашибирлашда ифодаланган қилмишларини квалификация қилиш масаласи ҳал қилиш учун жиноят субъекти доирасига терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар ҳам киритилиши лозим.

Жиноят иши бўйича далилларни сохталашибирлаш бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ЖК нинг 230<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Бир гурӯҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб дейилганда суриштирувни амалга ошираётган ёки исботлашда иштирок этишга жалб килинган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сохталашибирлаш (калбакилашибирлаш) да иштирок этиши тушунилади[1].

Агар гурӯҳ иштирокчиларининг бири ЖКнинг 230<sup>1</sup>-моддасидаги субъекти бўлиб, бошқаси субъект доирасига кирмаган ҳолатларда сохталашибирлаш (калбакилашибирлаш) да иштирокчилик юзага келиб ЖК 28-моддасини ҳавола қилган ҳолда (жиноятнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчиси сифатида) 230<sup>1</sup>-моддаси билан кавалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Судлар тўғрисида”ги қонунига биноан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлар фаолият юритади ҳамда уларнинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Яъни судларнинг адолат таъминлаш қаратилган фаолияти деганда, нафақат жиноят ишлари бўйича судларнинг балки фуқаролик, иқтисодий, шунингдек маъмурий ишларни ҳал қилишдаги фаолияти ҳам тушунилади.

Далилларни қалбакилаштириш субъектининг таҳлили шуни кўрсатадики, Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси бўйича жиноят субъекти сифатида хизмат қиласидиган далиллар доирасини кенгайтириш лозим. Бунда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий иш юритишда исботлаш субъектлари ҳам киритилиши лозим.

Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган Ю.И. Кулешов далилларни сохталаштиришга Фуқаролик, арбитраж, маъмурий ишларда далилларни сохталаштириш ҳам киришини айтиб ўтган [7].

Бироқ, бу доктриnavий таклифлар биринчи навбатда, фуқаролик, иқтисодий судларда далилларни қалбакилаштиришга тааллуқлилиги муаммолидир, чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларида далилларни сохталаштиришни қамраб олмаган.

И.С.Благодаръ конституциявий ва маъмурий иш юритишда қўлланиладиган далиллар, яъни суд тизимининг барча даражалари бир хил ҳуқуқий (шу жумладан жиноят ҳуқуки) ҳимоясига эга бўлиши кераклигини таъкидлайди [9].

И.С. Благодарнинг конституциявий иш юритишда қўлланиладиган далилларни сохталаштириш фикрига қўшилмаймиз, чунки Ўзбекистон

Республикаси Конституциявий суди, муайян ишни кўриб чиқмайди. Конституциявий суд, маълумки, муайян ишнинг масалаларини кўриб чиқмайди, балки норматив-хуқукий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширади. Бошқача қилиб айтганда, конституциявий хуқуқ устуворлиги субъектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, конституциявий иш юритишида ҳеч қандай далил мавжуд эмас.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш дастлаб узоқ вақтдан бери ўрнатилган ва яхши ўрнатилган процессуал тизимлар: жиноят ва фуқаролик процессларига ўхшаш тарзда ишлаб чиқилган. Шу сабабли, ушбу турдаги ишлардан далил ва исбот мазмуни деярли ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 276-моддасига биноан, Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (mansabdar shaxslar) шу маълумотларга асосланиб маъмурий хукуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айборлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Мазкур модданинг 2 қисмига биноан далиллар: 1) маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома, 2) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари 3) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, 4) эксперт хulosasi, 5) мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), 6) ашёвий далиллар, 7) ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларда далилларни қалбакилаштиришганлик учун жавобгарликни қамраб олмайди. Гарчи унинг

ижтимоий хавфи кам бўлса ҳам, бу ҳаракат жиноят ишлари бўйича далилларни сохталаштиришдан кам эмас. Чунки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда далилларни сохталаштириш, айрим ҳолларда, жиноят ишидаги далилларни сохталаштириш билан тенглаштирилиши мумкин, чунки айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо тури ҳисобланган жарима миқдори жиноий жазо миқдоридан ошиб кетади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасига биноан, рақобатчини обрўсизлантирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима жазоси ёки ЖКнинг 190-моддасига биноан, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима жазоси назарда тутилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200<sup>2</sup>-моддасига биноан, ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима, 116<sup>1</sup>-моддасида ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халақит берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки 60-моддаси (Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш)нинг 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса –уч юз баравари миқдорда жарима жазоси белгиланган.

Бундан ташқари маъмурий қамоқ каби жазолар Конституциямиз билан кафолатланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси бўйича субъектлар доирасини Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга ва баённомалар тузишга, шунингдек мазкур ишлар,

баённомалар сақланиши, тегишли тартибда юборилишига масъул шахс томонидан ёхуд мазкур ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахслар билан, шунингдек, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий суд ишлари бўйича ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакили ёхуд суд ишларини юритиш иштирокчилар билан кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз ҳамда Ўзбекстон Республикаси жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддаси қўйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф қиласиз:

—Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга ва баённомалар тузишга, шунингдек мазкур ишлар, баённомалар сақланиши, тегишли тартибда юборилишига масъул шахс томонидан ёхуд мазкур ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахс томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда далилларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш ёхуд қилиш —

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваригача микдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий суд ишлари бўйича ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакили ёхуд суд ишларини юритиш иштирокчиси томонидан, шунингдек ушбу ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахс томонидан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда далилларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш ёхуд қилиш —

базавий ҳисоблаш микдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Теговга қадар текширув органлари, исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар, шунингдек, адвокат томонидан терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда ғаразли ёки бошқа паст ниятларда сохталаштириши (қалбакилаштириши), шунингдек, далилларни қилиши”

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 230<sup>1</sup>-моддасига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишлар бўйича далилларни сохталашибланлик учун жавобгарликнинг белгиланиши, бу адолат манфаатларини ҳар томонлама жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди.

Иқтибослар:

- 1.** Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм 3. “Yuridik adabiyotlar publish”. –Тошкент, 2021. – Б.257.
- 2.** Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди архивидан, 2022 йил.
- 3.** Уголовный Кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 г. № 985- XV (действующая редакция) // Молдова. - 2002. - № 128-129.
- 4.** <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=259>
- 5.** Уголовный Кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 г. (действующая редакция) // Таджикистан. - 1998. - № 9. - Ст. 68-70.
- 6.** Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 г. (действующая редакция) // Сб. законодательных актов Азербайджанской Республики. - 1999. - №
- 7.** Кулешов Ю.И. Преступления против правосудия: проблемы теории, законотворчества и правоприменения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток, 2007. – С.14.
- 8.** Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди архивидан, 2021 йил.
- 9.** Благодарь И.С. Фальсификация доказательств: ответственность и вопросы квалификации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С.8.